

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

«Сув хўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти» кафедраси

**"ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА
БИЗНЕС-РЕЖА"**

фанидан семинар машғулотлари ўтиш учун

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2007

Ушбу методик қўлланма институт Илмий-услубий кенгашининг 2007 йил 13 июнда бўлиб ўтган 8 – сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.

Ушбу методик қўлланма 5А340102 - Тармоқ иқтисодиёти (сув хўжалигида) магистратура мутахассислиги йўналишида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Унда "Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида бизнес-режа" фанидан семинар машғулоти мавзулари, уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар, назорат ва муҳокама учун саволлар ҳамда тавсия этиладиган адабиётлар берилган.

Методик қўлланмада қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида бизнес-режалаштиришнинг мазмуни ва уни ташкил этиш, қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режаси, қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режасини тузишнинг умумий методикаси, қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режаси алоҳида бўлимларини тузишнинг методикаси каби долзарб муаммолар батафсил баён этилган.

Тузувчилар:

Дусмуратов Ғ.Д., доцент
Султонов Б.Ф., катта ўқитувчи

Такризчилар:

Б.А.Ақромов – ТошДАУ «Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиёти ва уларни бошқариш» кафедраси доценти, и.ф.н.

Тошбоев А.Ж. – доцент

КИРИШ

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2001 йил 11 январдаги Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида сўзлаган нутқида «...узок ва давомли режаларни, прогнозлар ва макроиктисодий балансларни тузмасдан, устивор ва стратегик йўналишларни аниқлаб олмасдан, бу стратегияга ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ривожининг фалсафасини бўйсиндирмасдан гўёки бозор иқтисодиёти ўзидан ўзи ривож топиши мумкин...» деган фикрнинг мутлақо нотўғри эканлигини таъкидлаган эдилар.

Шундай экан, мақсади ривожлантириш стратегиясини асослаш, товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини замонавий техника ва технологиядан фойдаланишга йўналтириш, бозор конъюнктураси тўғрисида ахборот тизимини шакллантириш бўлган индикатив режалаштириш аграр ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳам муҳим ўрин тутди. Бунда тахмин қилишлар мақсадли дастурлар, тавсиявий характерга эга истикболли ва жорий режалар дастак бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш режа ва бозор нисбатлари муаммосини биринчи ўринга чиқарди. Узок вақт давомида бу тушунчаларни бир бирига зид деб ҳисобладилар. Бу қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантиришда режалаштириш тизимининг аҳамиятини тўлиқ баҳоламасликка олиб келди. Сўнги йилларда кўпчилик иқтисодчи олимлар асарларида режалаштиришга иқтисодий муносабатларнинг муҳим элементи сифатида муносабат билдирилмоқда. Хорижий иқтисодчилар ҳам режалаштириш иқтисодий механизмда сезиларли рол ўйнайди деб ҳисоблайдилар.

Фанни ўқитишнинг асосий мақсади қишлоқ ва сув хўжалик корхоналарида бизнес-режа тузиш методикаси ва методологиясини, режалаштиришнинг таҳлилий ва ташкилий маълумотлар билан таъминлаш йўллариини ўрганишдан иборат. Замонавий бозор иқтисодиёти фаолият кўрсатишининг асоси ҳисобланган бизнес-режалаштириш тизимини чуқур ўрганиш тайёрланаётган кадрларнинг савиясини янада оширади.

Ушбу методик қўлланмада магистрларга қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарининг режалаштириш хусусиятларини, бизнес-режанинг бошқа режа ҳужжатларидан фарқи, бизнес-режа структураси ва бизнес-режага қўйиладиган асосий талаблар, бизнес-режа ва унинг бўлимларини ишлаб чиқишга асосий талабларни, рискни баҳолаш методларини, бизнес-режа ва унинг бўлимларини ёзиш методикаси ва стилини ўрганиш бўйича кўрсатмалар берилган. Бу магистрларда бизнес-режа тузиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришга ва қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарига юқори малакали кадрлар етказиб беришга ёрдам беради.

1-мавзу: Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида бизнес-режалаштиришнинг мазмуни ва уни ташкил этиш

Режа:

1. Бизнеснинг назарий асослари.
2. Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришда бизнес-режалаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти.
3. Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида бизнес-режалаштириш жараёнини ташкил этиш.
4. Бизнес-режалаштиришнинг роли, амалиёти ва фойдаланилмаётган имкониятлари.

Услубий кўрсатмалар

Субъектнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги маълум маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни яратиш ва реализация қилиш йўли билан фойда олишга йўналтирилган иқтисодий фаолияти «бизнес» деб аталади. Шунингдек, «бизнес» тушунчасини «тадбиркорлик» тушунчаси билан синоним сифатда қараш мумкин. Тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик фуқароларнинг ва уларнинг бирлашмаларининг фойда олишга йўналтирилган ташаббускорлик мустақил фаолиятини ўзида акс эттиради; фуқаролар томонидан рискни ва корхонанинг ташкилий – ҳуқуқий шакли белгилаган чегарада мол-мулк жавобгарлигини ўз зиммасига олиб амалга оширилади. Шундай қилиб, бизнес – бу мулкка эга фуқароларнинг даромад келтирадиган фаолиятидир.

Бундан ташқари, бизнес – бу унинг барча иштирокчилари: тадбиркорлар, маҳсулот истъеъмолчилари, ишловчилар, давлат органлари ўртасидаги муносабатлар йиғими ҳамдир.

Тадбиркорлар – бу рискни, иқтисодий ва юридик жавобгарликни ўз зиммасига олиб ташаббускор фаолиятни амалга оширадиган шахслардир. Уларнинг ишбилармонлик манфаати – даромад олиш – маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш орқали амалга оширилади. Ўз фаолияти жараёнида тадбиркорлар ўзаро ишбилармонлик муносабатларига, ҳамда бизнеснинг бошқа иштирокчилари билан муносабатга киришадилар ва якунида тадбиркорлик бизнеси соҳасини ташкил этади. Тадбиркорлик бизнеси учта таркибий қисмни ўз ичига олади: маҳсулот ишлаб чиқариш, тижорат (савдо) ва тижорат воситачилиги.

Бизнеснинг асосини хусусий мулк (ишлаб чиқариш воситаларига, уй хўжалиги ресурсларига, ишчи кучига, давлат мулкига) ташкил этар экан, унинг турларига қараб бизнеснинг асосий шакллари ҳам ажратилади: ишлаб чиқариш бизнеси, истъеъмол бизнеси, меҳнат бизнеси, давлат бизнеси.

Бизнеснинг асосига қайси меъзон қўйилишига қараб у ёки бу шаклни олади. (1-жадвал).

Бизнес-режалаштириш – режалаштириш фаолиятининг тадбиркорлик билан бевосита боғлиқ мустақил туридир.

1-жадвал. Бизнес шакллари

Меъзон	Шакл
Такрор ишлаб чиқаришнинг тўртта босқичи нуқтаи назаридан (ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол)	Ишлаб чиқариш бизнеси Муомала соҳасида бизнес (тижорат, банк хизмати, улгуржи ва чакана савдо) Тақсимот ва қайта тақсимот соҳасида бизнес (тижорат воситачилиги, меҳнат биржаси) Истеъмол соҳасида бизнес (уй хўжалиги доирасида хизмат)
Илмий-техник тараққиёт	Анъанавий Инновацион
Бизнеснинг у ёки бу иқтисодий маконни камраб олиши	Миллий бизнес Минтақавий бизнес Худудий бизнес Маҳаллий бизнес
Хўжалик ҳаётини ташкил этиш даражаси	Макробизнес (давлат, республика даражасида) Мезобизнес (алоҳида соҳа, тармоқ, иқтисодиёт сектори) Микробизнес (фирма, мактаб)
Давлат ва ҳуқуқий статус	Расмий Яширин

Олдинги даврда давлат бошқаруви мавжудлигида режалаштириш тубдан марказлаштирилган эди, корхоналар зиммасига фақат “юқоридан” тушган топшириқ режаларини бажариш юкланган. Бугунги кунда кўпчилик корхоналар қабул қилинган режаларга эга эмас, режалаштиришнинг зарур механизми йўқ: турли хилдаги нормалар, меъёрлар ва бошқалар.

Режалаштириш мулкдорнинг у ёки бу хўжалик фаолияти йўналишидаги турли хил қарорларни қабул қилиш билан алмаштирилган, яъни қоидага кўра улар яқин келажак даврга мўлжалланган ва истиқболдаги ривожлантириш йўналишларини назарда тутмайди.


Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот Молия вазирлиги буйруғига мувофиқ, статистик ҳисобот – Давлат статистика кўмитаси кўрсатмаси бўйича тақдим этилади ва ҳакозо.

Режалаштиришга келсак, ҳозирча бизнес-режаларни ишлаб чиқиш бўйича маълум талаблар ёки кўрсатмалар йўқ. Йўл қўйилган хатолар, ҳисоб-китобдаги адашишлар ва тадбиркорлик фаолиятидаги йўқотишлар чораклик балансни тузгандан сўнггина маълум бўлади. Аммо балансларга ҳам ҳар томонлама таҳлилий шарҳлар тузилмайди. Шунинг учун ҳолатни тўғирлаш учун ўз вақтида чоралар кўрилмайди. Кўп ҳолларда шу сабабга кўра кўпчилик корхоналар мураккаб молиявий аҳволда қолган ёки умуман тўловга лаёқатсиз бўлиб қолган, шу жумладан қишлоқ хўжалик корхоналари ва сув хўжалиги ташкилотлари ҳам.

Турли хилдаги жорий қарорларни қабул қилиш ҳатто улар жуда ўз вақтида бўлса ҳам режалаштиришни алмаштира олмайди, чунки режалаштириш қарор қабул қилишга қараганда юқори даражали бошқарув фаолияти ҳисобланади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги ташкилотларида бизнес-режалаштиришни муваффақиятли ташкил этиш учун тўртта шарт мавжуд бўлиши зарур ва улар бир бири билан жуда боғлиқ ҳамда корхоналарни бизнес-режалаштириш жараёнининг инфраструктурасини ташкил этади. (1-чизма)

1-чизма. Қишлоқ ва сув хўжалиги ташкилотларида бизнес-режалаштириш инфраструктураси



Мамлакатимиздаги корхоналарни бошқариш бўйича қарорлар ишлаб чиқиш ва асослаш учун бизнес-режалаштиришдан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Кўпчилик тадбиркорлар бизнес-режалаштириш билан шуғулланиш имкониятига эга эмаслар, айримлари уни бир йилга тузиши ҳам қийин. Амалиёт кўрсатиб турибдики, кўпчилик раҳбарлар ҳалигача бизнес-режалаштириш методологияси ва фалсафасини эгалламаганлар ва наф келтиришга гумон қиладилар. Шу вақтнинг ўзида менежментни тубдан ўзгартириш эҳтиёжи аллақачон пишиб етилган. Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарининг сезиларли қисмигина бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятларини жонлантirmoқдалар. Бунда уларда барибир шу самарасиз менежмент қўлланилмоқда. Мамлакатда конъюнктура ва иқтисодий шароитларнинг ноқулай ўзгариши, молиявий ва кредит бозорининг ривожланмаганлиги, ҳаттоки яхши фаолият кўрсатаётган корхоналар менежментига ўз салоҳиятини сақлаб қолишга имкон бермайди.

Таъкидланганидек, бизнес-режалаштириш корхонанинг менежментини ташкил этади ва мувофиқлаштиради, фаолиятининг бошидан то охиригача дастур ишлаб чиқишни таъминлайди. Режалаштириш қандай жараёнларни амалга оширишдан қатъий назар - бу ҳар қандай фаолият тури учун муваффақиятга эришишнинг тизимлашган методологиясидир. Корхона фаолиятида бизнес-режани ишлаб чиқиш эҳтиёжини туғдирган учта асосий сабаб мавжудлигини таъкидлаймиз:

- бизнесга менежментнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли мақсадларини ҳисобга олган объектив баҳо беришни таъминлаш;
- бизнес-режалаштириш методологиясидан ва унинг мониторингидан фойдаланиш натижасида корхона менежментининг муваффақиятини таъминлаш;
- корхонада жорий этиладиган менежмент ғояларининг бошқаларга тўлиқ етказиладиган шароит яратиш ва зарур молиявий ресурсларни жалб этиш таъминланади.

Таянч иборалар

Бизнес, тадбиркорлик, мулкчилик ва бизнеснинг асосий шакллари, бизнес-режалаштириш инфраструктураси, бизнес-режанинг бошқарувдаги роли, бизнес-режалаштириш жараёни.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларининг моҳиятини очиб беринг?
2. Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришда бизнес-режалаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат.
3. Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида бизнес-режалаштириш жараёни қандай ташкил этиш этилади?
4. Бизнес-режалаштиришнинг ролини тушунтириб беринг?
5. Амалиёт бизнес-режалаштиришнинг фойдаланилмаётган қандай имкониятлари бор?

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган адабиётлар

1. Чориев Қ., Хушматов Н. Дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш. – Т.: “Шарқ”, 2002.- 32 б.
2. “Бизнес-режа” фанидан қисқача маърузалар матни. (А.Абдуғаниев).Тошкент – 2000 й.
3. Фермер хўжалигида режалаштириш. Фермер хўжалигида бизнес-режа тузиш.Tacis.Published. May 2000.
4. Бизнес- режа тузиш бўйича услубий қўлланма.- Тошкент. 1998 й.
5. Попов В.М. Бизнес план.- Москва. 1995 г.
6. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес-планирование. Учебное пособие – Т.: ТГЭУ, 2004. – 160 с.
7. Югай Л.П. Бизнес-планирование (Текст лекций). – Т.: ТГЭУ, 2000. – 47 с.
8. Горемикин В.А., Богомоллов А.Ю. Планирование предпринимательской деятельности. Методическое пособие. – М.: ИНФРА-М,1997.- 334 с.
9. Пивоваров К.В. Бизнес-планирование. 3-е изд. –М.: издательско-торговая корпорация “Дашков и Ко”, 2002. – 164с.

2-мавзу: Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режаси

Режа:

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режаси мақсади, вазифалари ва тузиш хусусиятлари.
2. Бошқа режа ҳужжатларидан бизнес-режанинг фарқи.
3. Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режаси структураси ва бўлимлари мазмуни.
4. Бизнес-режанинг умумий структураси.

Услубий кўрсатмалар

Бизнес-режа - назарда тутилаётган бизнеснинг қисқа, аниқ ва тушунарли баён қилиниши, кўп сонли турли ҳолатларни кўриб чиқишда истиқболли қарорлар қабул қилишга ва уларга эришиш воситаларини аниқлашга имкон берадиган муҳим дастак ҳисобланади.

Бизнес-режани ишлаб чиқаришнинг **асосий мақсади** бозор эҳтиёжларига ва зарур ресурсларини олиш имкониятига мувофиқ тарзда фирма хўжалик фаолиятини яқин ва узоқ даврларга режалаштириш ҳисобланади. Бизнес-режа тузувчиларнинг асосий мақсади билан бир қаторда бошқа мақсадларини ҳам акс эттириш лозим:

- ижтимоий мақсадлар - товарлар ва хизматлар тақчиллигини бартараф этиш;

- иқтисодий ҳолатни соғломлаштириш, мамлакатда психологик иқлимни яхшилаш; янги маънавий ва маданий бойликларни яратиш; илмий-

техник ва ижодий салоҳиятни ривожлантириш; ишбилармонлик алоқаларини, халқаро алоқаларни кенгайтириш;

- тадбиркор статусини ошириш – тадбиркорнинг иқтисодий салоҳиятини (ишлаб чиқариш салоҳияти, молиявий, техник-технологик, илмий ҳамда маънавий салоҳиятларини ҳам) ривожлантириш ва мустаҳкамлаш. Бу битимларни муваффақиятли тузиш шарти ва гарови бўлиб хизмат қилади;

- бошқа махсус мақсад ва вазифалар - контрактларини ривожлантириш, хорижий ташрифлар, турли хил уюшмаларга кириш ва бошқалар.

Замонавий амалиётда бизнес-режа **бешта функцияни** бажаради. Шулардан *биринчиси*, унинг бизнес стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш имконияти билан боғлиқ. Бу функция корхонани яратиш даврида ҳамда фаолиятнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишда ўта зарурдир.

Иккинчи функция - режалаштириш. У янги фаолият йўналишини ривожлантириш имкониятларини баҳолаш, фирма ичида жараёнларни назорат этишга ёрдам беради.

Учинчи функция, пул маблағларини – ссудалар, кредитларни жалб қилишга имкон беради.

Тўртинчи функция, потенциал ҳамкорлар компаниялари режаларини амалга оширишга жалб этишга имкон беради, яъни улар ўзларида мавжуд хусусий капитални ёки технологияни ишлаб чиқаришга қўйишни хоҳлайдилар.

Бешинчи функция, бизнес-режа тузиш жараёнига барча ходимларни жалб қилиш йўли билан, уларни қилинадиган ишлардан хабардорлигини, кучларини мувофиқлаштиришни яхшилашга, мақсадга эришиш иштиёқини яратишга имкон беради.

Бозор иқтисодиётида бизнес-режаларнинг шакли, мазмуни ва структураси ва ҳақозолар бўйича кўпчилик талқинлар мавжуд. Энг катта фарқлар бизнес-режаларнинг нимага мўлжалланганлигига қараб кўрсатилади: бизнес-линиялар бўйича (маҳсулот, ишлар, хизматлар ва техник қарорлар) бутун корхона бўйича (янги ва мавжуд).

Бизнес-объектлари бўйича бизнес-режа таснифи 2-расмда акс эттирилган. Битта ташкилот доирасида барча мақсадлар комплекс тарзда ишлаб чиқиши ва юқорида келтирилган типология бўйича алоҳида бизнес-режалар ишлаб чиқиши мумкин.

Бизнес-режа, фирманинг бошқа режаларидан фарқли ўлароқ ташқи йўналтирилганликка эга, сотиш максимал ютуқ келтириши лозим ўзига хос товарга айланади. Оқибатда, бизнес-режанинг корхонани ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг анъанавий режасидан фарқи нафақат тадбиркорлик ташкилотининг ички мақсадларини, балки, шахсларнинг янги ишга фойдали бўлиши мумкин бўлган мақсадларини ҳам ҳисобга олишидадир. Бундан ташқари, бизнес-режада асосий эътибор бизнеснинг маркетинг ва молия-иқтисодий жиҳатларига жамланган, шу вақтнинг ўзида

2-чизма. Бизнес объектлари бўйича бизнес-режа типологияси



илмий-техник, технологик ва ижтимоий каби томонлар чуқур тақдим этилмаган.

Тадбиркорларга одатий, олдиндан маълум техник-иқтисодий асослаш (ТИА) каби ҳужжат бизнес-режага анча яқин. Бизнес-режадан ТИАнинг асосий фарқи – бу шуки, техник-иқтисодий асослаш – бу саноат объектини яратиш ва ривожлантириш учун махсус режа ҳужжатиدير. Шунинг учун ТИА структурасида асосий акцент лойиҳанинг ишлаб чиқариш-техник жихатларига қилинган, бўлғуси бизнеснинг тижорат, бозор муаммолари деярли очилмасдан қолади. Бундан ташқари, бизнес-режанинг ТИАдан фарқи унинг стратегик йўналтирилганлигидан иборат. Демак, ТИАнинг бизнес-режага нисбатан анча қисқа, специфик характери тўғрисида гапириш мумкин. Бизнес-режа ТИАни тадбиркорлик соҳасидан қадамма-қадам сиқиб чиқаради.

Бизнес-режа стратегик режалаштиришнинг ҳал қилувчи элементларидан бири ҳисобланади. Ташкилотнинг стратегик режаси каби етарлича узоқ муддатни одатда 3-5 йилни, айрим ҳолларда кўпроқ муддатни ўз ичига олади. Аммо, бизнес-режа ва стратегик режа ўртасида катор фарқлар мавжуд: стратегик режа ташкилот стратегиясининг бошқа типларини ўз

ичига олиши мумкин, стратегик режадан фарқли бизнес-режа конкрет ишлаб чиқилган ва аниқ ўзига етарлилиги билан лойиҳа, бизнес-режанинг таркибий қисмлари (ишлаб чиқариш, маркетинг ва бошқа режалари) стратегик режадагига қараганда анча салоҳиятли аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида ТИА функциясини кўп ҳолларда бизнес-режага структураси ва материални баён қилиш характери бўйича энг кўп яқин инвестицион лойиҳалар бажармоқдалар. Инвестицион лойиҳа тушунчасини иккита ҳолатда: “инвестицион фаолият” – инвестицион тадбирлар тизимини амалга ошириш; лойиҳани амалга ошириш бўйича тегишли ишларни асослаш ва ўтказиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий, таҳлилий, инженер-техник, иқтисодий ва ҳисоблашув-молиявий ҳужжатлар тизими сифатида ишлатиш мумкин.

Инвестицион лойиҳани иккинчи маънода қараб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ташкилот бизнес-режаси баъзан инвестицион лойиҳага нисбатан инвестицион лойиҳанинг тегишли қисмининг ишлаб чиқиш ва амалга ошириш режаларини ўзида акс эттирган ҳужжат сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, инвестицион лойиҳа ва бизнес-режа структураси бўйича яқин бўлиши мумкин. Бизнес-режа структураси инвестицион лойиҳа билан, хусусан инвестицион ўйланмани асослашни ўтказиш қисмида ўхшаш.

Юқорида таъкидланганидек, бизнес-режалар ташқи кўриниши бир биридан фарқ қилиши мумкин, аммо унинг бўлимлари таркиби деярли ўзгармасдан қолади: қисқача мазмуни (резюме), тармоқ характеристикаси, яратилаётган корхона ва унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва хизматлари баёни, бозорни тадқиқ ва таҳлил этиш, маркетинг, ишлаб чиқариш ва молиявий режалар, ҳамда мумкин бўлган рискни баҳолаш ва суғурталаш. Яъни, бизнес-режанинг қуйидаги оптимал структурасини таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Титуль варағи.

Аннотация.

Конфиденциаллик тўғрисида меморандум.

Мундарижа.

Кейин унинг асосий бўлимлари:

1. Резюме.
2. Ташкилот бизнеси тарихи (тармоқ баёни).
3. Ташкилот бизнеси объектининг характеристикаси.
4. Ташкилот бизнес-муҳитининг таҳлили.
5. Маркетинг режаси.
6. Ишлаб чиқариш режаси.
7. Ташкилий режа.
8. Молиявий режа.
9. Рискни баҳолаш ва суғурталаш

Илова .

Бизнес-режанинг ушбу структураси тавсиявий характерга эга ва намунавий бўлишга даво қилмайди. Бўлимлар рўйхати ва уларнинг мазмуни

фирма фаолият кўрсатаётган ҳар бир конкрет ҳолда шароитга қараб тўлдирилиши ёки аниқлик киритилиши мумкин.

Таянч иборалар

Бизнес-режа мақсади, вазифалари, функциялари; бизнес линиялар ва янги корхоналар бўйича бизнес-режа, стратегик режа, инвестицион лойиҳа, техник-иқтисодий асослаш, бизнес режа структураси,

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режаси мақсади нималардан иборат?
2. Бизнес-режанинг вазифалари ва уни тузиш хусусиятларини гапириб беринг.
3. Бизнес-режанинг стратегик режада, инвестицион лойиҳадан, техник-иқтисодий асослашдан фарқини тушунтириб беринг.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режаси структураси қандай бўлимларни ўз ичига олади?
5. Бизнес-режанинг умумий структурасини ва унинг моҳиятини очиб беринг.

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган адабиётлар

1. “Бизнес-режа” фанидан қисқача маърузалар матни. (А.Абдуганиев). Тошкент – 2000 й.
2. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес-планирование. Учебное пособие – Т.: ТГЭУ, 2004. – 160 с.
3. Фермер хўжалигида режалаштириш. Фермер хўжалигида бизнес-режа тузиш. Tacis.Published. May 2000.
4. Составление бизнес-плана: нормў и рекомендации. М.: Книга сервис, 2005. - 320 с.
5. Бизнес-режа тузиш бўйича фермер ва қишлоқ тадбиркорлари учун амалий қўлланма. Самарқанд - 2000 й.
6. Бизнес-режа тузиш бўйича услубий қўлланма.- Тошкент. 1998 й.
7. Американская школа управления. Бизнес план – или как повѣсить доходность вашего предприятия. Москва. 1992 г.
8. Чориев Қ., Хушматов Н. Дехкон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш. – Т.: “Шарқ”, 2002.- 32 б.
9. Горемыкин В.А., Богомолов А.Ю. Планирование предпринимательской деятельности. Методическое пособие. – М.: ИНФРА-М, 1997.- 334 с.
10. Пивоваров К.В. Бизнес-планирование. 3-е изд. – М.: издательско-торговая корпорация “Дашков и Ко”, 2002. – 164с.

3-мавзу: Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режасини тузишнинг умумий методикаси

Режа:

1. Бизнес-режани тузишнинг қисқача методикаси.
2. Бизнес-режалаштиришда компьютер технологияларни қўллаш. Бизнес-режани ишлаб чиқишни бошқариш.
3. Режалаштиришни ресурс билан таъминлаш муаммолари.

Услубий кўрсатмалар

Бизнес-режани тузишни бошлашдан аввал зарур ахборотнинг бутун комплексини олиш зарур. Бунга кўра **бизнес-режалаштиришнинг** қуйидаги **босқичларини** ажратиш мумкин.

1. *Керакли ахборотнинг манбаларини аниқлаш.*
2. *Уни ишлаб чиқиш мақсадларини аниқлаш.*
3. *Ўзининг мақсадли ўқувчиларини аниқлаш.*
4. *Яратилаётган ҳужжатнинг умумий структурасини белгилаш.*
5. *Бизнес-режанинг кўзланган ҳар бир бўлимини тайёрлаш учун ахборот йиғиш.*
6. *Бизнес-режани ёзиш.*

Бизнес-режа тузишда қуйидаги тавсиялардан фойдаланиш мумкин:

- 1) бизнес-режани расмийлаштириш улгурувчи фирма имижига мос келиши лозим, у жозибадор, лекин кўзга ташланмайдиган бўлиши лозим.
- 2) деталлаштириш даражаси режа мақсадига мос келиши, лекин ортиқча ҳеч нарсани ўз ичига олмаслиги лозим: аниқ структура ва унинг кўргазмалилиги, қисқалиги. Чет эл тажрибаси кўрсатиб турибдики, бизнес-режанинг оптимал ҳажми 40 бет ҳисобланади;
- 3) бизнес-режага иккинчи даражали ва маълумот шаклидаги ахборот киритилмаслиги лозим. Уни иловага чиқарган яхшидир. Илова ҳажми чекланмайди;
- 4) баён этиш стили: баён этиш оддийлиги ва тил ва терминологик барьерларнинг йўқлиги. Бизнес-режа нафақат мутахассисларга балки, кенг доирадаги одамларга тушунарли бўлиши лозим;
- 5) бизнес-режадаги ахборот сиғимли, аниқ ва шу вақтнинг ўзида қисқа (жадваллар, графиклар ва ҳакозолар) бўлиши лозим;
- 6) бизнес-режа таклифлари ва башоратлари асосланган ва ахборот манбаларига ҳавола берилган бўлиши лозим;
- 7) молиявий ҳисоб-китобларнинг аниқлиги;
- 8) компания risksи муҳокама қилиниши лозим;
- 9) бизнес-режа бу ҳужжат тақдим этиш назарда тутилаётган ташкилот ва шахсларнинг талаб ва стандартларини ҳисобга олиб тайёрланиши лозим.

Компьютер дастур маҳсулотларини тўғри танлаш ва самарали фойдаланиш бизнес-режаларнинг сифатини сезиларли яхшилашга имкон беради.

Ҳозирги вақтда ихтисослаштирилган дастур маҳсулотларининг жуда кўп турлари мавжуд. Бизнинг мамлакатимизда ЮНИДО – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноат ривожланиши бўйича Комиссияси хузурида яратилган COMFAR (Computer model for reporting) ва PROSPIN (Project profile screening and preappraisal information system) амалий дастурлар пакети; “Альт” (Санкт-Петербург) фирмасининг “Альт-инвест” пакети ва “Про-Инвест Консалтинг” фирмасининг “Project Expert” пакети кенг қўлланилади. “Microsoft project”, “Time line” ва “Primavera” типдаги тизимлар фақат ишларнинг календар режасини ва тармоқли лойиҳасини унинг стадиялари бўйича давомийлигини ва харажатларини ўз ичига олиб ишлаб чиқиш учун мўлжалланган ва асосан лойиҳаларни бошқариш тизими сифатида қўлланилади.

Бизнес-режалаштириш амалиётида шунингдек бизнес-режани тайёрлашнинг барча стадияларида Интернет ресурслари ва воситаларидан кенг фойдаланилиши мумкин.

Охирги вақтда бозорнинг юқори эҳтиёжлари ва техник ва дастур компьютер таъминотининг доимий янгилалиши муносабати билан мавжуд дастур маҳсулотларининг ўта мукаммаллашган версиялари ва принципиал янги маҳсулотлар пайдо бўлмоқда.

Маълумки, бизнес-режа корхона фаолиятининг жорий ва истикболдаги стратегиясини амалга ошириш, биринчи навбатда, нимани, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш вазифасини бажаришга хизмат қилиши лозим. Мазкур ишлаб чиқариш стратегияси, табиийки, бизнес-режани тузиш босқичидаёқ ресурслар таъминоти билан мустаҳкамланиши лозим.

Ресурслар билан таъминланганлик – бизнеснинг асосий қоидаларидан бири бўлиб, мулкчилик қайси шаклида эканлигидан қатъий назар мажбурий ҳисобланади. Моддий, меҳнат, молиявий ва техник-технологик ресурсларсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнининг имкони йўқлиги ҳам исбот талаб қилмайдиган қоидадир. Шу сабабли янги ёки жорий ишлаб чиқаришни ташкил этиш вазифаси ҳал қилинаётган ҳар сафар ресурслар билан таъминлаганлик масаласи юзага чиқади. Тўғри, бу вазифани ҳал қилиш методикаси кўп жиҳатдан ресурслар тури, ишлаб чиқариш микёси ва характерига боғлиқ бўлади.

Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, бизнес-режа тузиш бўйича, айниқса, хорижий тавсияларда ишлаб чиқариш режаси, менежмент, молиявий ва бошқа масалаларни ҳал қилишда бўлгани каби ресурслар таъминотига бағишланган махсус бўлим йўқ. Бироқ бизнес-режа корхонанинг асосий қонуни эканлиги ҳар дамда эслатиб турилади.

Хорижда ва мамлакатимизда тўпланган тажрибаларнинг кўрсатишича, ҳар қандай иш, ҳар қандай ишлаб чиқариш моддий, материал ва бошқа ресурслар етарли бўлган ҳоллардагина ривожланиши ва кутилаётган натижаларни бериши мумкин. Шунинг учун ҳам ресурслар, айниқса, моддий

ресурслар бутун йил давомида ишлаб чиқариш суратининг бир хиллигини таъминлаш учун сифат ва миқдор жиҳатидан етарли бўлиши керак. Бунда захираларнинг нормативдан ошиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак, чунки бу корхонанинг пул ресурсларини «ушлаб» туради ва уларнинг хўжалик айланмасида иштирок этишига йўл қўймайди.

Бизнеснинг (тадбиркорликнинг) ресурслар билан тўлиқ таъминланганлиги ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида чиқарилаётган маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмаган ва белгиланган технологик жараёнларни бузмаган ҳолда моддий ресурсларни тежаш билан боғлиқ бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг ресурслар таъминоти соҳасидаги сиёсатига ресурсларни тежаш сиёсати ҳамкорлик қилиши лозим бўлиб, бу бозор муносабатларидан ташқари айрим ресурс турларининг тақчиллиги ва тўлиқ эмаслиги билан ҳам асосланади.

Бизнесни (тадбиркорликни) ресурслар билан таъминлаш оддий ва бир зумда ечиладиган масала эмаслиги шубҳасиз, албатта. У корхонанинг ишлаб чиқариш дастури ва маркетинг режасини ишлаб чиқиш билан бир пайтда ҳал қилиниши лозим. Корхона ходимларининг малакаси ва маҳорати бу ишда етакчи роллардан бирини ўйнайди. Ресурслар билан таъминланганлик корхона бизнес-режасининг муҳим бўлими бўлиб, иқтисодий, техник, ташкилотчилик ва бошқа билимларни талаб қилади.

Таянч иборалар

Бизнес-режалаштириш босқичлари, бизнес-режа тузишга талаблар, компьютер дастурлари, интернетдан фойдаланиш, ресурс билан таъминланганлик даражаси, ресурсларни тежаш

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бизнес-режани тузишнинг қисқача методикасини тушунтириб беринг.
2. Бизнес-режалаштиришда қайси компьютер дастурларидан фойдаланилади, улар имкониятларини гапириб беринг?
3. Бизнес-режани ишлаб чиқиш қандай бошқарилади?
4. Мамлакатимизда режалаштиришни ресурс билан таъминлаш муаммолари нималардан иборат.

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган адабиётлар

1. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес-планирование. Учебное пособие – Т.: ТГЭУ, 2004. – 160 с.
2. Югай Л.П. Бизнес-планирование (Текст лекций). – Т.: ТГЭУ, 2000. – 47 с.
3. Составление бизнес-плана: нормы и рекомендации. М.: Книга сервис, 2005. - 320 с.

4. Бизнес-режа тузиш бўйича фермер ва қишлоқ тадбиркорлари учун амалий қўлланма. Самарқанд - 2000 й.
5. Бизнес- режа тузиш бўйича услубий қўлланма.- Тошкент. 1998 й.
6. Американская школа управления. Бизнес план – или как повѣсить доходность вашего предприятия. Москва. 1992 г.
7. М. Бизнес план.- Москва. 1995 г.
8. Пивоваров К.В. Бизнес-планирование. 3-е изд. –М.: издательско-торговая корпорация “Дашков и Ко”, 2002. – 164с.
9. Уткин Э.А., Кочеткова А.И. Бизнес-план. Как развернуть собственное дело – М.: АКАЛИС, 1996г.

4-мавзу: Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режаси алоҳида бўлимларини тузишнинг методикаси

Режа:

1. Резюме тузиш.
2. Маҳсулот ва хизматлар.
3. Корхона бизнеси тарихини баён этиш.
4. Бозорни тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш.
5. Маркетинг режаси.
6. Ишлаб чиқариш режаси.
7. Ташкилий режа.
8. Молия режаси.
9. Рискни баҳолаш ва суғурталаш. Илова.

Услубий кўрсатмалар

Бизнес-режа резюмеси қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- лойиҳа ғояси, мақсади ва моҳияти;
- таклиф қилинаётган товарларнинг (хизмат, иш) хусусиятлари ва уларнинг рақобатдошларнинг айнан шундай маҳсулотлари билан таққослагандаги афзалликлари;
- қўйилган мақсадларга эришишнинг стратегияси ва тактикаси;
- ходимларининг ва хусусан етакчи менежерларнинг квалификацияси;
- талаб, товарларнинг (хизмат, иш) сотиш ҳажми башорати ва яқин даврга (ой, чорақ, йил ва ҳақозо) тушум суммаси;
- маҳсулотнинг режалаштирилаётган таннархи ва молиялаштириш эҳтиёжи;
- кутилаётган соф фойда, даромадлилик даражаси ва харажатларни оқлаш муддати;
- муваффақиятнинг асосий омиллари (ҳаракатлар усуллари ва тадбирлар баёни).

Бизнес-режанинг «Ташкилот бизнеси объектининг характеристикаси» («Хизмат ва маҳсулот характеристикаси») бўлимида истеъмолчи позициясидан корхона маҳсулоти баёни тақдим этилади. Шу мақсадда қуйидаги маълумотлар келтирилади:

- товар қондирадиган эҳтиёжлар;
- сифат кўрсаткичлари;
- иқтисодий кўрсаткичлар;
- ташқи расмийлаштирилиш;
- бошқа айнан товарлар билан таққослаш;
- патент билан ҳимояланганлиги;
- экспорт кўрсаткичлари ва унинг имкониятлари;
- маҳсулотни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари;
- муваффақиятнинг мумкин бўлган ҳал қилувчи омиллари.

Маркетинг режаси бўлими қуйидаги пунктларни ўз ичига олади:

- 1) маркетинг мақсади ва стратегияси;
- 2) баҳо белгилаш;
- 3) товарларни тарқатиш схемаси;
- 4) сотишни рағбатлантириш методлари;
- 5) мижозларга сотишдаш кейин хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- 6) реклама;
- 7) фирма ва товарлар тўғрисида жамоат фикрини шакллантириш;
- 8) маркетинг бюджети;
- 9) маркетинг контроллинг.

Бизнес-режанинг бу бўлими фақат ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган ёки энди шуғулланадиган фирма томонидан тайёрланади. Ноишлаб чиқариш фирмалари учун узоқ муддатли активларга, айланма маблағларга эҳтиёж ва харажатлар башорати “Молия режаси” бўлимида аниқланади. Ишлаб чиқариш режаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш режаси ва корхонанинг лойиҳалаштирилаётган ишлаб чиқариш қуввати асосида шакллантирилади.

Бизнес-режани ишлаб чиқувчилар бу бўлимда корхона зарур миқдордаги маҳсулотни керак муддатга ва талаб қилинган сифатда реал ишлаб чиқариши мумкинлигини кўрсатиши лозим.

Ушбу бўлимнинг структураси қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқариш технологияси;
- ишлаб чиқариш кооперацияси;
- ишлаб чиқариш жараёни назорати;
- атроф муҳитни муҳофаза этиш тизими;
- ишлаб чиқариш дастури;
- ишлаб чиқариш қувватлари ва уларни ривожлантириш;
- узоқ муддатли активларга эҳтиёж;
- айланма маблағларга эҳтиёж;
- харажатлар башорати.

Бизнес – режанинг ташкилий режа бўлими фирмани бошқариш тизими ва унинг ходимлар сиёсатига бағишланади. Бўлимнинг структураси қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

- ташкилий структура;
- ҳал қилувчи бошқарув персонали;
- профессионал маслаҳатчилар ва хизматлар;
- персонал;
- фирма ходимлар сиёсати;
- календар режа;
- ижтимоий ривожланиш режаси;
- фирма фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш.

Ташкилий структура корхона олдига қўйилган ишлаб чиқариш ва бошқарув мақсадларига эришиш учун ишловчиларни бирлаштириш усули ва шаклини ўзида акс эттиради. У корхона структурасининг график схемаларида, персоналнинг штат жадвалларида, бошқарув аппарати бўлинмалари тўғрисидаги низомларда, айрим бажарувчиларнинг лавозим йўриқномаларида ҳужжатлаштирилади. Ташкилий структура бошқарув тизими структурасининг бўғинлари сонини, вертикал ва горизонтал бўйича ваколатлар ва жавобгарликлар тақсимланиш характерини характерлайди.

Қишлоқ ва сув хўжалигида фойдаланиладиган ташкилий структуралар кўпчилик омилларга боғлиқ: корхона ўлчамига, фондлар ҳажмига, бандлар сонига, ишлаш принцигига, бозор структурасига ва ҳакозолар.

Бизнес-режада қуйидагилар тўғрисида маълумотлар келтирилади:

- корхонанинг ишлаб чиқариш-технологик структураси;
- ҳал қилувчи бўлинмаларнинг функциялари;
- тобе фирмалар ва филиаллар таркиби, уларнинг бош фирма билан ташкилий ўзаро боғлиқлиги;
- бошқарув ташкилий структураси;
- фирма хизматлари ва бўлинмаларининг ўзаро таъсирини мувофиқлаштиришни ташкил этиш;
- бошқарув тизимини автоматлаштириш.

Ташкилий структуранинг корхона мақсадлари ва стратегияларига мос келишига баҳо берилади.

Бизнес-режанинг молия режаси бўлимда фирма фаолиятини молиявий таъминлаш ва жорий молиявий ахборотни баҳолаш ва келгуси даврда бозорда товарлар реализацияси ҳажмини башоратлаш асосида пул маблағларини (хусусий ва жалб қилинган) энг самарали фойдаланиш масалалари қараб чиқилади, яъни бу ерда фирма молиявий фаолиятидан кутилаётган натижаларини акс эттирган ишончли маълумотлар тизими тақдим этилади.

Молиявий натижалар башорати менежерларни хавотирлантирадиган асосий саволларга жавоб беришга қаратилган. Мана шу бўлимдан менежер у суяниши мумкин бўлган фойда тўғрисида, қарз берувчи эса – қарзга хизмат қилувчи потенциал қарздорнинг қобилияти тўғрисида билади.

Ушбу бўлимда қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

- фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот;
- пул сарфлари ва тушумлари баланси;
- актив ва пасивларнинг башорат баланси (корхоналар учун);
- зарарсизлик таҳлили;
- молиялаштириш стратегияси.

Бундан ташқари, тақдим этилган маълумотлар асосида таҳлилий мақсадларда корхона молиявий ҳолати кўрсаткичларининг (ликвидлик, тўлов қобилиятлилик, фойдалилик, активлардан фойдаланиш, акционерлик капиталидан фойдаланиш ва ҳақозо), инвестиция даромадлилиги кўрсаткичлари ва шунга ўхшашларнинг қўшимча ҳисоб-китоблари қилинади.

Хўжалик муносабатлари субъектларининг фаолияти доимо риск билан боғлиқ.

“Риск” тушунчасининг турли хил тарифлари маълум; анча умумий тарзда риск айрим исталмаган ҳодисаларнинг амалга ошиш эҳтимоли сифатида аниқланиши мумкин ёки негатив оқибатларга олиб келадиган шароитларнинг вужудга келиши мумкин бўлиши билан бир хилдир.

Объектга ёки ҳаракатга қараб рискнинг риск қилиш даражаси баҳоланадиган ҳар хил турлари мавжуд: сиёсий, ишлаб чиқариш, мол-мулк, молиявий, валютага оид ва ҳақозолар. Рискнинг бизнес-режалаштириш мақсадлари учун анча аҳамиятли қисқача характеристикасини берамиз:

- 1) суверен (мамлакатга оид) риск;
- 2) сиёсий риск;
- 3) катта даражада бизнеснинг тармоқ хусусиятлари тақозо этган ишлаб чиқариш риски;
- 4) молиявий риск;
- 5) пул бирлигининг тўлов қобилияти пасайиши риски;
- 6) фоиз риски;
- 7) тизимли, ёки бозорга оид, риск;
- 8) махсус, ёки тизимсиз, риск;
- 9) бевосита бизнес-режалаштириш билан боғлиқ лойиҳа риски;
- 10) валюта риски;
- 11) ўзида операцион рискни намоён этган трансакцион риск;
- 12) актуар риск, суғурта ташкилоти томонидан мукофот тўлаш ўрнига қопланадиган риск.

Шу муносабати билан қуйидагилар долзарб бўлади: рискни баҳолаш ва таҳлил этиш; рискка қарши туриш усуллари танлаш, яъни потенциал рискли операцияларга нисбатан ҳатти –ҳаракат стратегияси ва тактикасини танлаш. Мана шу мақсадларда бизнес-режанинг “Рискни баҳолаш ва суғурталаш” бўлими ишлаб чиқилади. Бу ерда, мумкин бўлган рискларни умумий баҳолаш билан бирга риск турлари, уларнинг манбалари ва пайдо бўлиш моментлари таҳлили ўтказилади, ҳамда зарарни минималлаштириш бўйича форс-мажор ҳолатлар юз берган ҳолатда кўрилиши мақсадга мувофиқ тадбирлар келтирилади, валюта курси тебраниши, иш ташлашлар, миллатлараро низолар, янги меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ёки умумдавлат курсининг алмашиши (бу чет эллик шериклар билан ҳамкорлик

қилишда мамлакатимиз тадбиркорлари учун алоҳида долзарб) ва ҳақозолар кабилар.

Бўлимнинг структураси, қоидага кўра, қуйидаги кўринишга эга:

- мумкин бўлган рискларнинг тўлиқ рўйхатини шакллантириш;
- рискларнинг юз бериш эҳтимолини баҳолаш;
- рискларни юзага келиш эҳтимоли бўйича кетма-кетлигини тузиш;
- уларни амалга оширишда кутилаётган зарар миқдорини баҳолаш;
- қабул қилса бўладиган риск даражасини ўрнатиш ва асослаш;
- энг сезиларли рискларни ажратиш;
- рискларни суғурталаш.

Таянч иборалар

Резюме, маҳсулот ва хизматлар режаси, корхона бизнеси тарихини, бозорни тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш методлари, маркетинг режаси структураси, ишлаб чиқариш режаси, ташкилий режа, молия режаси, рискни баҳолаш ва суғурталаш.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Резюме қандай тузилади ва унга қўйиладиган талаблар нимадан иборат.
2. Маҳсулот ва хизматлар қисмини тузишда қайси кўрсаткичлардан фойдаланилади?
3. Корхона бизнеси тарихини қандай баён этилади?
4. Бозорни тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш методлари ва усуллариининг моҳиятини очиб беринг?
5. Маркетинг режаси структураси нималарни ўз ичига олади?
6. Ишлаб чиқариш режасини тузишга талаблар нималардан иборат.
7. Ташкилий режа структурасини гапириб беринг.
8. Молия режасининг таркиби ва бўлимлари мазмунини тушунтириб беринг.
9. Рискнинг турлари ва уларни баҳолаш ва суғурталаш қандай амалга оширилади. Иловада қайси ҳужжатлар тикилиши лозим?

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган адабиётлар

1. Фермер хўжалигида режалаштириш. Фермер хўжалигида бизнес-режа тузиш. Tacis. Published. May 2000.
2. Составление бизнес-плана: нормў и рекомендации. М.: Книга сервис, 2005. - 320 с.
3. Бизнес-режа тузиш бўйича фермер ва кишлок тадбиркорлари учун амалий қўлланма. Самарқанд - 2000 й.
4. Бизнес- режа тузиш бўйича услубий қўлланма.- Тошкент. 1998 й.
5. Попов В.М. Бизнес план.- Москва. 1995 г.

6. Чориев Қ., Хушматов Н. Дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш. – Т.: “Шарқ”, 2002.- 32 б.
7. “Бизнес-режа” фанидан қисқача маърузалар матни. (А.Абдуғаниев). Тошкент – 2000 й.
8. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес-планирование. Учебное пособие – Т.: ТГЭУ, 2004. – 160 с.
9. Горемыкин В.А., Богомолов А.Ю. Планирование предпринимательской деятельности. Методическое пособие. – М.: ИНФРА-М, 1997.- 334 с.
10. Пивоваров К.В. Бизнес-планирование. 3-е изд. – М.: издательско-торговая корпорация “Дашков и Ко”, 2002. – 164с.
11. Уткин Э.А., Кочеткова А.И. Бизнес-план. Как развернуть собственное дело – М.: АКАЛИС, 1996г.

**Сирдарё вилояти, Сардоба тумани “Ш. Рашидов” СФУ нинг 2006 йилга
БИЗНЕС РЕЖАСИ**

№	Харажатлар номи	Йиллик харажатлар минг сум.	Асос
1	Йиллик иш ҳақи, қўшимча ва мукофотлар Шу жумладан: а) йиллик иш ҳақи б) мукофот фонди 40 % в) моддий ёрдам бир ойлик иш ҳақи миқдорида	6060 4085 1638 340	Штат жадвали ва умумий йиғилиш қарори
2	Иш ҳақиға нисбатан ижтимоий суғурта тўловлари 31 %	1773	Амалдаги тартибда
3	Ишлаб чиқариш харажатлари Шу жумладан: а) Ариқ-зовурларни тозалаш б) электроэнергия харажатлари (1 та электр СНП 500/10 насос учун мавсумда 100000 квт соат сарфланиши кўзда тутилган) в) Ёқилғи мойлаш материаллари (1 та СНП 500/10 дизел насос учун мавсумда 10 тн.ЁММ сарфланиши кўзда тутилган) г) Алоқа хизмати д) Асосий воситалар амортизацияси	28250 13000 2850 2500 300 9600	Сарф харажатлар сметаси
4	Маъмурий хўжалик харажатлари	100	Тақдим этилган хужжатлар бўйича
5	Жами харажатлардан мелиоратив фонд учун 10 %	3618	
	Жами даромад	39801	
6	Уюшма хизмат кўрсатадиган майдон	3801	
7	Уюшма учун ажратилган йиллик сув ҳажми (лимит) минг .м3	30409	
8	1 м3 етказиб берилган сув учун фермер хўжалиги ва бошқа сув истеъмолчиси томонидан тўланадиган тўлов миқдори (сўм /м3)	1,30	

Эслатма: а) СФУ ларнинг тадбиркорлик фаолиятдан тушган даромодлар фойда, қўшилган қиймат ва мулк солиқларидан 2003 йилдаги 3342-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан 3 йилга озод қилинган;

б) Уюшманинг жами харажатларидан олинган фойда умумий йиғилиш қарори билан ирригация тизимларини ривожлантириш учун мелиоратив фондга 10 % йўналтирилиши кўзда тутилган.

в) Уюшманинг балансида 53 км лоток, 19 км қопламали канал, 484 км очиқ зовур, 103 км тупроқ ўзанли ариқ ва 2 та СНП 500/10 русумли насос мавжуд. Уларнинг 1991 йил баҳосидаги баланс қиймати 80 млн.сўм. Индекс 120 деб олинганда асосий воситаларнинг баланс қиймати 9600 млн.сўмни ташкил этади. Амалда эса амортизация ажратмаси камида 5 % бўлиши керак, лекин фермер хўжаликларининг ҳозирги кундаги иқтисодий ночорлиги ҳисобга олиниб, 2005 йилда бажарилиши энг муҳим бўлган ишлари қиймати (харажатлар сметасидан) қўйилди.

Мундарижа

Кириш	3
1-мавзу: Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида бизнес- режалаштиришнинг мазмуни ва уни ташкил этиш.....	4
2-мавзу: Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режаси.....	8
3-мавзу: Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режасини тузишнинг умумий методикаси.	13
4-мавзу: Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари бизнес-режаси алоҳида бўлимларини тузишнинг методикаси.....	16
Илова	22

Дўсмуратов Ғанийбой Давлатбаевич
Султонов Баходир Файзуллаевич

«Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида бизнес-режа»
фанидан семинар машғулотларини ўтиш учун

(Методик қўлланма)

Муҳаррир:
Мусаҳҳиҳ:

Нуртаева М.
Бойзоқова Д.

Босишга рухсат этилди _____

Қоғоз ўлчами 60 x 80 1/16

Ҳажми 1,5 б.т. 10 нусха

Буюртма № ____ ТИМИ Босмахонасида чоп этилди

Тошкент – 700000, Қори-Ниёзий кўчаси, 39 - уй